

Эжонхон билан Сойинхон (асл исми Ботухон) – Жўжихон авлодларидан бўлган Дашти Кипчокнинг машхур хонларидан. Туралихоннинг кизидан тугилган эди. Эжонхон билан Сойинхон бир-бирига хонликни таклиф этди. Сойинхон кичик эди, акасига айтди: «Отам ўрнига огамсан, сен хон бўлгил». Эжонхон айтди: «Сендан ёшим улуглиги тўгри. Аммо отамиз сени бисёр суюб, эрка ўстирган. Бугунга келиб сенинг эркалигинг ва инжикликларингни кўтаряпман. Хон бўлсам, бундай киллолмайман. Ўзинг хон бўлакол, сенинг хонлигингга мен чидайман. Аммо менинг хонлигимга сен чидамассан». Икки шахзода шу тарика бир-бирларига хонликни таклиф қилиб, узок тортишдилар ва охири катта боболари Чингизхонга маслахатга жўнашди.

(Ўтамиш хожи ибн Мухаммад Дўстий, «Ўтамиш хожи тарихи», қўлёзма, ЎРФАШИ кутубхонаси).